

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ


FarDU.
ILMIY
XABARLAR-

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2020

НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год



Г.Юсупова Ўзбекистон халқ хўжалигида Фарғона иқтисодий районининг ўрни (XX асрнинг 50-70 йиллари мисолида)	162
Д.Юлдашева, Н.Набиева Энахон Сиддиқованинг “Ватанга бахшида умр” ҳужжатли лиро-эпик қиссасида замонамиз қаҳрамони масаласи	165
И.Жўраев Бадиий адабиётда ижтимоий-маиший муаммолар ифодаси.....	168
О.Холматов Э.М.Ремарк романларида уруш ва инсон талқини.....	171
С.Хақназарова Абдулла Шер асарларида миллий менталитет ва маҳаллий колорит ифодаси	175
А.Мамажонов Мазмуни умумлашган қўшма гаплар.....	178
Н.Қўлдашев Экологик лингвистика фанлараро илм-фан сифатида: манба ва динамика	181
М.Ғофурова Нутқнинг лингвомаданий жиҳатдан бўёқланганлиги ва уни белгиловчи омиллар	185
У.Буриева Функционал дискурс таҳлили муаммолари	189
Д.Ҳакимова Нутқий мулоқотнинг гендерологик фарқланиш масалаларига оид	192
Ҳ.Сотволдиева Мақол ва маталлар олами идрок этиш миллий хусусиятларининг инъикоси сифатида	195
М.Мамажонов Аллюзив антропонимлар ва уларнинг бадиий матнда қўлланилиши.....	198
Ш.Имомназарова Ўлан ва лапар жанрларининг ўзаро муштарак ҳамда фарқли хусусиятлари	200
Ф.Анварова Синонимларнинг тилда қўлланилиши	204
М.Ҳайитова, М.Мирзаахмедов Боғча болалари ўртасида инглиз тилини ўқитишни такомиллаштиришнинг баъзи педагогик асослари	207

ЭКОЛОГИК ЛИНГВИСТИКА ФАНЛАРАРО ИЛМ-ФАН СИФАТИДА: МАНБА ВА ДИНАМИКА

ЭКОЛОГИЧЕСКАЯ ЛИНГВИСТИКА КАК МЕЖДИСЦИПЛИНАРНАЯ НАУКА: ИСТОЧНИК И ДИНАМИКА

ECOLOGICAL LINGUISTICS AS AN INTERDISCIPLINARY SCIENCE: SOURCE AND DYNAMICS

Н.Кўлдашев

Аннотация

Лингвистик экология асосий тенденцияларни таҳлил этиш, жоиз бўлса «тил касалликлари»ни башорат қилиш, уни салбий таъсирлардан сақлаш учун миллий тил аҳволи тўғрисидаги объектив маълумотларни олиш заруратига жавоб тариқасида шаклланган. Тил муҳитини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда жамиятнинг муайян типик шаклланишидан келиб чиқиб лингвистик экология алоҳида ижтимоий аҳамият касб этади. Инсон атроф-муҳитини ўзига хос тарзда ифодалайдиган тилнинг ҳаёт қобилиятини сақлаш экологик лингвистикада намён бўлади.

Аннотация

Лингвистическая экология была сформирована в ответ на необходимость анализа основных тенденций и, если можно так сказать, получения объективной информации о состоянии национального языка с целью прогнозирования «языковых расстройств» и их предотвращения. Языковая экология имеет особое социальное значение благодаря всестороннему изучению языковой среды и специфики общества. Сохранение способности языка выражать человеческую среду особым образом проявляется в лингвистике окружающей среды.

Annotation

Linguistic ecology has been shaped in response to the need of analyses of the underlying trends, and, if possible, in obtaining objective information about the state of the national language in order to predict "language disorders" and to avoid them. Linguistic ecology is of particular social importance due to the comprehensive study of the language environment and the specific nature of society. Conservation of the language's ability to express the human environment in a specific way is manifested in environmental linguistics.

Таянч сўз ва иборалар: экологик лингвистика, тил криминализацияси, лингвоцинизм, тил экологияси, экстраполяция, демагогия, манипуляция, имманент, тил геноциди

Ключевые слова и выражения: экологическая лингвистика, криминализация языка, лингвоцинизм, экология языка, экстраполяция, демагогия, манипулирование, имманентность, языковой геноцид


Keywords and expressions: environmental linguistics, language criminalization, linguotism, language ecology, extrapolation, demagogy, manipulation, immanent, language genocide.

Бугунги жамият экологик таназзул ёқасида турибди. Бу эса атроф-муҳитдаги турли ўзгаришларга боғлиқ бўлиб, ушбу ўзгаришлар комплекс хусусиятга эга. Бугун экология ўз ичига 70 та фундаментал фанни қамраб олган ҳолда жамият лингвوماданиятидаги таназзул ҳодисаларини аниқлаш учун бугунги кунда экология фани терминологиясидан фойдаланилмоқда. Шунингдек, экологик ғоялар тил соҳасига ҳам экстраполяция (воқеаларни илмий башорат қилиш) қилина бошланди. Замонавий фанлараро илмий парадигмани ёритишда "маънони торайтириш ёки кенгайтириш" назарда тутилади. Тилнинг ички имкониятидан фойдаланиш, метафорик жараёнлар, шунингдек, ҳақиқатда ишлатилаётган белги

ичидаги семантик ва прагматик муносабатларни асослаш у ёки бу терминлар, терминологик бирликларнинг қўлланилишини кенгайтириш билан характерланади.

Бугунги кунда дунё олимлари томонидан ҳар қандай тилнинг таназзулга дучор қиладиган айрим лингвистик ҳодисаларига эътибор қаратилмоқда. Масалан, тилшунос М.Н.Эпштейн "сўзларни бошқа тиллардан ўзлаштириш "синдром", "тил криминализацияси", "лингвоцинизм" каби терминларни қўллайди. Келтирилган ушбу терминларда ижтимоий фикрнинг ғайриинсонийлиги, нутқда жаргон ва вульгар сўзларнинг ортиши, умумий саводхонликнинг пасайганлиги ҳамда бошқа ҳолатлар ҳақида фикр юритади. Дарҳақиқат, бугунги кунда ўзбек тилининг умумий ҳолатига, ўзбек тили халқимиз мулки

Н.Кўлдашев – ФарДУ докторанти.



эканлигини унутмаган ҳолда, унга тизим сифатида қарашимиз зарурлиги кўриниб қоляпти. Ўзбек тилининг буюклиги ва бойлигини кўрсатувчи, баландпарвоз ибораларни ишлатавермасдан унинг келажаги, тақдири ҳақида ҳам ўйлаб кўрадиган пайт келди. Мазкур масала бугунги кунда кўплай олимлар томонидан эътиборга олинмоқда. Умумий ҳолатда тил софлиги борасида олим В.Е.Елистратов ўзига хос фикрни олға суради: "...ифлосланганлик – ифлосланмаганликка келсак, ҳар қандай тилшунос жавоб берадигандек, мен ҳам шундай жавоб бераман: тилни ифлослантириб бўлмайди, нутқни, ундан кейин эса, турган гап, мия ва қалбни ифлослантириш ёки сийқалаштириш мумкин. Сени эшитаётганларнинг онги ва қалбини... Яъни тил таназзули мавжуд эмас, тилда гапираётган одамлар таназзули бор"[1]. Мазкур фикрда ҳам маълум даражада жон бор, бироқ нутқ мулоқотининг кризисли аҳолини ва салбий ҳодисалар кўлами кенглигини тан олган ҳолда, тил таназзули тўғрисида, умуман, тизим сифатида гапиришга ҳақлимиз.

Ўзбек тили ўз бошидан оғир кунларни ўтказди, негаки тил – бу ижобий динамика. XX асрда тилимиз ўз ривожланиш жараёнида кўпгина замонавий тиллардан орқада қолди. Қолаверса, унда мавжуд бўлган имкониятларга ҳам ёмон муносабатда бўляпмиз. Бизда сиёсий баҳслар одоби, омма олдида гапириш маҳорати, сўзамоллик маданияти ривожланмаган. Қадимги ғарб мамлакатлари, жумладан, Юнонистон, Рум давлатлари демократиялари айнан нотиклик санъати билан машҳур бўлиб, ғалабага ишонтириш кучи ила эришилган. Бугунги кунда жамиятимизда демагогия (инсон онгига, ҳис туйғуларига қасддан таъсир қилиш) ва манипуляция (лисоний найранг) ҳукмрон. Кўриб турганимиздек, шаклгина эскирган (архаик), фикрнинг ўзи эса бағоят долзарб бўлиб, бугун ҳамма қуруқ, исботсиз, асоссиз сўзлардан, демагогия ва лисоний найранглардан чарчаган.

Дунё тилшунослигида экологияга тез-тез мурожаат қилинишининг асосий сабабларидан бири ушбу фанда аҳамиятли (магистрал) ҳисобланмиш сақланиш ғоясининг устунлигидир[2]. Экологик лингвистика ғоялари муайян коммуникатив маконга эга. Алоҳида одам ёки қандайдир жамият онги бўлишидан қатъий назар, ўзаро рақобатлашаётган тиллар ўртасида омон қолиш ва суриб чиқариш жараёнларини тадқиқ

қилади. Бугунги оламда экологик лингвистиканинг энг муҳим глобал вазифаси тилларнинг кескин қисқариши тенденциясини енгиб ўтиш ҳисобланади. Тилларнинг йўқ бўлиб кетиши шуниси билан хавфлики, улар билан бирга тилларда акс этган оламни таърифлаш ва билишнинг бошқа усулларидан фойдаланиш имконияти ҳам кўлдан бой берилиши мумкин.

Социолингвистика тилни билишнинг ихтиёрийлиги тўғрисидаги Соссюр қарашларини инкор этади. Бинобарин, тил билишнинг ихтиёрийлиги бу тезис концепциясида энг муҳим жиҳат ҳисобланади. Белги ихтиёрийлигининг ўзи тилни ўзгартиришга қаратилган ҳар қандай уринишдан ҳимоя қилади. Айнан тил ихтиёрий бўлганлиги учун ҳам у анъанадан ташқари бошқа қонунни билмайди. Шу муносабат билан Т.Г.Хазагеров куйидагиларни ёзади: "Билдирилувчи ва билдирувчи ўртасида аслида ҳеч қандай боғлиқликнинг йўқлиги тўғрисидаги таъкид шу билан тушунтириладики, унинг томонидан на семиотик жараён, на унда сўзлашувчилар – одамлар эътиборга олинмаган. Ҳақиқатда эса бундай боғлиқлик мавжуд бўлиб, у муайян одамлар томонидан амалга оширилади" [3]. Бунда одамларнинг сезги аъзолари бир вақтнинг ўзида ҳам товуш мажмуалари (пардалар)ни, ҳам моддий дунё нарсаларини, уларнинг билдирилувчи ва билдирувчига айлангунига қадар идрок этиб бўлади. Семиотик жараёнда қатнашмайдиган кузатувчининг нуқтаи назарида моддий дунёнинг муайян нарсаси товуш пардаларининг сон-саноқсиз тўпламлари (турли тилларда) билан ўзаро муносабатда бўлиши мумкин. Бу боғлиқлик тасодифий, эркин ва бесабаб (мотивацияланмаган)га ўхшайди. Тил белгиси (аломати)нинг ихтиёрийлиги тўғрисидаги Ф. де Соссюрнинг хулосаси худди шунга асосланади. Социолингвистик тадқиқотлар ривожига вульгаризм юқори даражадаги кўрсаткичда эканлигидан хавфсираш катта тўсиқ бўлиб хизмат қилганлигини тан олишга тўғри келади. Рус тилшуноси Е.Курилович таъкидлаганидек, "Бир тил фактларини бошқалари билан тушунтириш зарур... Ижтимоий омиллар ёрдамига суянадиган изоҳ (тушунтириш) лингвистик методологиянинг ҳалокатидан дарак беради".

Тил табиати жамиятнинг яшаш жараёнларида бевосита мавжуд бўлади. Эътиборга олинмаган тил тизимида имманент

(огоҳлантурувчи) ёндашувнинг номувофиқлиги аён бўлгандагина экологик лингвистика каби йўналиш шаклланиган. Ўзининг антропоцентрик йўналиш билан ажралиб турадиган ҳозирги замон лингвистикаси эътиборни тил бирликлари шаклланидиган, ривожланидиган ва ишлайдиган шароитларга қаратган.

Экологик лингвистика етарли даражада ишлаб чиқилган механизмга эга. Тилшунос олим А.Филл[4,41-4] бу соҳадаги асосий терминологик бирликларнинг қуйидаги дифференциациясини таклиф этади.

1) Эколингвистика (ekolinguistik – ecolinguistics) лингвистика ва экологияни бирлаштирувчи илмий билим соҳалари учун умумий термин ҳисобланади;

2) Тил, тиллар экологияси (ekologie der Sprache(n) – ecology of language(s) тил нисбати, ўзаро таъсири ва ўзаро ҳаракати (тилни сақлаб қолиш ва унинг кўпхиллигини сақлаш)ни ўрғанади.

3) экологик лингвистика (ekologische linguistik – ecological linguistics) томонидан тилга экологик терминлар ва экология тамойиллари (масалан, экотизим тушунчаси) экстраполяция қилинади;

4) Лингвистик (тил) экология (sprachekologie- language ecology, linguistic ecology) томонидан тил ва “экологик” масалаларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бирига боғлиқлиги тадқиқ этилади.

М.К.Пилаеванинг фикрига кўра, эколингвистикада иккита йўналиш белгиланиши мумкин. Биринчиси - бу, *тил экологияси* бўлиб, у экологик тушунчалар (экология, атроф муҳит, экотизим каби тушунчаларнинг ўзини)ни тилга метафорик жиҳатдан кўчиришни амалга оширади, иккинчиси эса *тилга оид экология* бўлиб, у тил ва матнларни “экологиклик” позицияларидан туриб кўриб чиқади. Тилнинг атрофдаги воқелик муаммоларини акс эттиришдаги роли ва қобилиятини, яъни уларни кучайтириш ёки таъкидлаш ёхуд уларнинг ечимини топиш қобилиятини тадқиқ этади.

XIX аср охиридаёқ тилшуносликнинг психологик ва социологик руҳда бўлишини қайд қилган Бодуэн де Куртенэ[5,203-222] «тилда руҳий ва ижтимоий факторлар ҳаракатда бўлиши сабабли тилшунослик учун ёрдамчи фан сифатида дастлабки ўринда психологияни ва сўнг инсонларнинг жамиятдаги мулоқот, муносабатлари ҳақидаги фан – социологияни танлаймиз», деб ёзганлигини эслаймиз. Фанлар ўртасидаги

боғлиқлик ҳақида гапирганда, уларнинг бирини иккинчисига «ёрдамчи» сифатида қараш унчалик ҳақиқатга тўғри келмайди. Акс ҳолда, фанлар ҳамкорлиги асосида юзага келадиган йўналишларни алоҳида соҳа сифатида ажратиш мумкин бўлмас эди. Дарҳақиқат, замонлар ўтиши инсонларни, жамиятни, энг аввало, тилни ҳам ўзгаришга дучор этади. Айни шу ўзгаришлар, бузилишлар жараёнида экологик лингвистика майдонга келади. Тил экологияси уни ўрғанадиган, уни ишлатадиган ва бошқа одамларга ўргатадиган шахсларга боғлиқ.

“Тил экологияси” ғоялари йўлида В.Б.Касевич, В.Колесов, Л.И.Скворцова, А.П.Сковородникова, В.И.Шаховской, Г.А.Копнина каби тилшуносларнинг ишларига қарайдиган бўлсак, *лексик эрозия, тил муҳити, тил муҳитининг ифлосланиши, тил касалликлари, тилни муҳофаза қилиш* каби метафоралар оммавийлашиб кетганлигига гувоҳ бўламиз. *Тилнинг соғлом турмуш тарзи, тилнинг ҳаракат фаоллиги, ҳатто тилнинг шамоллаш-юқумли касалликлари ва тилнинг лингвонөкрози* ҳақида фикр юритилади. Умуман олганда, уларнинг барчаси “тил - тирик организм”, деган анъанавий метафорага таянади.

Маълумки, тилшуносликнинг натуралистик йўналишига асос солган А.Шлейхер ҳам тилни ўз ривожланиш жараёнида ўсиш босқичлари - ёшлик, равнақ, комиллик, шундан сўнг қарилик ва қартайганлик жараёнларини бошдан кечирадиган тирик организмга ўхшатган. Ўсиш босқичларини у морфологик (грамматик) қурилиш турлари билан боғлаб, флектив қурилишни равнақ, флективлиқнинг йўқотилишини эса тилнинг деградацияси (бузилиши) билан боғлаган. “Шажара дарахти” метафораси (истиораси) компаративистлар[6] (қиёсловчи – қиёсий-тарихий метод) томонидан тилларнинг “қардошлиги”га нисбатан қўллашда ишлатилган. Яъни истиора тилшунослик анъаналарига бемалол мувофиқ келади. Масалан, Н.Б.Мечковская талабалар учун ёзилган қўлланмасида *тиллар тўғрисида* – “*даҳо йигитлар*” ва “*мўътабар даҳо*” тиллар деган фикрларни ёзади.

Экологик лингвистика соҳасининг метафорикаси катта креатив салоҳиятга эга. Ҳозирги замон лингвистикаси тропларнинг, яъни кўчма маънодаги сўзлар ва ибораларнинг когнитив функция бажаришини ўқтиради. Ҳақиқатни қидиришга кўмаклашувчи илмий метафора эса эвристик (илгари

номаълум бўлган нарсаларни топишга ёрдам берадиган тадқиқот усуллари тўплами) рол бажариши кабиларни янги концепциялар манбаи шаклида майдонга чиқиши сифатида тан олади. Метафора ёрдамида дунёнинг илмий манзараси аниқланиши мумкин. Илмий тасаввурни аниқлаш ёки баён қилишда метафора етакчи ролни ўйнашини ҳам эътиборга олиш лозим. Бундай метадоралар (яъни етакчи) илмий, хусусан, лингвистик терминологияда мустаҳкамланиб, материални тушунтиришда қўлланиладиган метадоралардан фарқли ўлароқ алоҳида рефлексия мавзуси бўлиб хизмат қилади. Илмий метадоранинг муҳим хоссаларига кўп ҳолларда, шу жумладан экологик лингвистика соҳасида, унинг метафора-катахреза, яъни сўзларнинг семантик жиҳатдан асоссиз, ноўрин бўлган бирикмаси эканлиги тўғрисида факт (далил) киради. Бунда тегишли тушунчани фақат унинг ёрдами билангина ифодалаш мумкинлиги назарда тутилиб, бу, унинг алоҳида когнитив қимматини аниқлайди.

Экологик лингвистика доирасида макроэколингвистика ўз диққатини умумдавлат ва ҳатто жаҳон миқёсидаги аҳамиятга молик масалалар – тил сиёсати, тил ихтилофлари,

тил геноциди (йўқ қилиш) кабиларни ўзида мужассамлаштирган. Экология нуқтаи назаридан микроэколингвистиканинг айрим муаммолари нутқий ва тил фактлари билан фарқланади. Тилшунос Л.П.Бухарева [7] қатор ишларида экологик онг, тафаккур, экологик маданият билан боғлиқ муаммоларга тўхталиб ўтган. Олима экологик тенденцияларнинг коммуникацион алоқаларини амалга оширишга таъсирини кўриб чиқиб, “Лингвозкологик хулқ” тушунчасига эътибор қаратган.

Хулоса қилиб айтганда, айнан лингвистик экология асосий тенденцияларни таҳлил этиш, жоиз бўлса «тил касалликлари»ни башорат қилиш, уни салбий таъсирлардан сақлаш учун миллий тил аҳволи тўғрисидаги объектив маълумотларни олиш заруратида жавоб тариқасида шаклланган. Тил муҳитини ҳар томонлама ўрганиш ҳамда жамиятнинг муайян типик шаклланишидан келиб чиқиб, лингвистик экология алоҳида ижтимоий аҳамият касб этади. Инсон атроф муҳитини ўзига хос тарзда ифодалайдиган тилнинг ҳаёт қобилиятини сақлаш экологик лингвистикада намоён бўлади.

Адабиётлар:

1. “Литературная газета”. - 2012 год, № 42.
2. Пылаева Е.М. К вопросу об эколлингвистике в свете современных эколого-эволюционных исследований//культура и образование. – Февраль. – 2014. – № 2
3. Хазагеров Г.Г. Система убеждающей речи как гомеостаз: ораторика, гомилетика, дидактика, символика// Социологический журнал. – 2001. – №3.
4. Иванова Е.В. Цели, задачи и проблемы эколлингвистики. Прагматический аспект коммуникативной лингвистики и стилистики // Сборник научных трудов Е.В.Иванова. Челябинск: Изд-во ИИУМЦ. – Образование, 2007.
5. Бодуэн де Куртенэ И.А. О задачах языкознания. В кн.: Избранные труды по общему языкознанию. – Т. I -М.: Изд-во АН СССР, 1963.
6. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. –Т.,2002 .
7. Бухарева Л.П. Лингвозкологические факторы процессов оптимизации языкового поведения: на материале Республики Марий Эл: автореф.дис....канд.социол.наук. – наук. – М.,2009.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор).